

ТАЛАБАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жалолиддин Алишер ўғли Нурқулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети,
Амалий математика ва информатика йўналиши, 3-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада талабаларнинг назарий билимларини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда, инновацион технологиялар орқали ўқитишнинг вазифалари, мазмуни, услублари, воситалари, ташкил этилиши, шакллари ва натижаларида ўз аксини топиши кераклиги масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: педагогик технологиялар, ўқув жараёни, компьютер технологиялари, илмий фактлар, назариялар, қонунлар, педагогик йўналиш, умумий тенденция.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности использования инновационных технологий для совершенствования теоретических знаний студентов, а также вопросы, которые должны быть отражены в задачах, содержании, стилях, средствах, организации, формах и результатах обучения с помощью инновационных технологий.

Ключевые слова: педагогические технологии, учебная программа, компьютерные технологии, научные факты, теории, ландшафты, педагогическая направленность, общие тенденции.

Summary: The article discusses the features of using innovative technologies to improve the theoretical knowledge of students, as well as issues that should be reflected in the tasks, content, styles, means, organization, forms and results of learning with the help of innovative technologies.

Key words: pedagogical technologies, curriculum, computer technology, scientific facts, theories, landscapes, pedagogical orientation, general trends.

Бой ўтмиш тарихимизга назар ташласак, аждодларимиз яратиб бизга қолдирган юксак маънавий- маданий ва таълим-тарбия мероси сирасида авлодларни ёшлиқдан жисмонан бақувват қилиб тарбиялашнинг қатъий тизими йўлга қўйилганлиги шоҳиди бўламиз. Демак, бизда халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ва ривожланган ўзига хос жисмоний тарбия мактаби мавжуд бўлган ана шу мактабларнинг миллийлик ва умуминсонийликка асосланган тарихий тажрибаларига мурожаат қилиш, ундан бугунги янгиликлар ва эришилган ютуқларни ҳаётга тадбиқ этиш давр талабидир.

Ўқув муассасаларида жисмоний тарбия, спорт соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, таълим олаётган талаба-ёшларнинг спорт турларига қизиқишини ошириш, билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний, ижтимоий ривожланишида олиб борилаётган ислохотлар таълим тизимидаги барча қатнашчиларда назарий билимларга эга бўлишни талаб этади.

Жаҳон цивилизациясига ўзининг бебаҳо илмий мероси билан улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом Бухорий, Имом Термизий каби алломаларимизнинг бизгача етиб келган буюк мерослари Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга машҳур бўлган илмий мактабларида замонавий шаклда истиқболли йўналишлар белгиланиб, жаҳон андозалари даражасига етказилмоқда.

Хозирги кунда педагогик технологиялар қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

1) талабанинг дунё қараши ташкил топиши учун зарур бўлган бир-бирига яқин аралаш илмий соҳалар учун умумий бўлган илмий фактлар, назариялар, қонунлар, ғояларга таяниб тушунчалар тизимини шакллантириш;

2) аралаш, яқин фанлар учун умумий бўлган ва биринчи навбатда фанлар ўртасидаги ғоявий алоқадорликни ўзлаштириш янада мураккаб услубларига асосланган элементар малакаларини шакллантириш;

3) умумлаштирилган билимлар ва малакалар асосида фан билимларига тўғри баҳолаш муносабатини шакллантириш, бунда цикллارаро алоқалар ва дунёқараш ўқув фанларида алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

4) фан асосларини амалиётда комплекс қўллашни талаб этувчи бошқа билимлар ва меҳнат малакаларини шакллантириш.

Ҳар томонлама педагогик технологияларни амалга ошириш жараёнида асосий педагогик йўналишнинг, умумий тенденцияси, талабалар ҳаракат фаолияти стратегияси ишлаб чиқилади, талабаларнинг билимларни ўзлаштиришини ташкил этиш мазмунини, услубини ва шаклини қайта ташкил этади. Конструктив функциялари даражасида замонавий ўқитишда инновацион усулларнинг аҳамияти мустақил тамойил даражасигача кўтарилади, унинг асосида турли доираларда амал қилувчи педагогик технологиялар қурилади (ўқув мавзуси, ўқув фани, ўқув муаммоси, ва бошқалар). Умуман олганда улар ўқиш жараёнининг мазмунига замонавий конструктив ёндошади. Ҳар бир ўқув фани талабалар томонидан тез ўзлаштирилади, бунда инновацион усулларни қўллаш маълум бир услублар асосида шакллантирилади.

Педагогик технологияларни амалга ошириш усулларини шакллантирмасдан, уларнинг таълим, тарбиявий ва ривожлантириш вазифаларининг ўзаро боғлиқлигини очиб бермай, бу муаммони тўла тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун, педагогик технологиянинг дидактик муаммоси илгари тўпланган ғояларни ва амалий ечимларни синтез қилиш ва умумлаштиришни кўп томонлама ёндошишни талаб этади.

Назарий билим жараннинг хусусиятлари				
Кўп қиррали жараён	Узоқ муддат давом этади	Яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга ошади	Икки томонлама хусусият, Боланинг фаоллиги	Қарама-қаршилиқлар кўплиги

Аниқ бир мақсадга қаратилган назарий билимнинг самарадорлиги ўқитувчининг қандай методлардан фойдаланишига боғлиқ. Шу сабабли, классик усуллар билан бир қаторда замонавий усуллардан ҳам оқилона фойдаланиш тарбия жараёнида самарали натижаларга олиб келади.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, жисмоний таълим-тарбия қуйидагича белгиланади.



Талабаларда инновацион («янгилик элементлари орқали») назарий билимларни педагогик фаолият, шахснинг шаклланишини ўзига бирлаштириб реал педагогик жараёни вужудга келтиради ва бу жараён турли таълим-тарбия концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилиши таълим тизими муассасаларида тадбиқ этилмоқда.

Кучли таъсирчан ва мустаҳкам жисмоний таълим тизимини фақатгина фан ўрнатган объектив асослар ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамида ривожлантириш мумкин. Бу, албатта инновацион технология билан боғлиқдир.

Талабаларда инновацион технологиялар орқали назарий билимларни ошириш муҳим илмий, сиёсий, педагогик муаммо ҳисобланади. Бунинг учун, янги ўқитиш методлари, жумладан инновацион технологиялардан фойдаланиш зарур. Педагогикада ўқитиш методларини таснифлашга ягона ёндашув мавжуд эмас.

Инновацион технологиялар орқали ўқитишнинг вазифалари, мазмуни, услублари, воситалари, ташкил этилиши, шакллари ва натижаларида ўз аксини топиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 7 декабр 2016 й.
3. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар.- Т., «Молия», 2003 йил.
4. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. Тошкент:”Фан”. 2005.
5. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
6. Нуркулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. Science and innovation, 1(A3), 158-163.
7. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.
8. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». Вестник Гулистанского государственного университета 2018.4 (2018): 39-46.
9. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. Экономика и социум, (7), 351-356.